

*Abstract. The article is based on the scientific study of creative thinking and its significance in person's activity and it includes scientific views, conclusions and comparative analyzes of creative thinking as well. In addition, It also discusses the scientific theories of scholars, modern views on creative thinking through brief conclusions from the latest researches in modern psychology.*

*Key words: Creative thinking, creativity, thinking operations, personality, person's activity, convergent and divergent thinking*

Бугунги кунда бутун дунёда глобаллашув жараёнининг кечиши ўзига хос ижтимоий тараққиёт тамойилларига мос шахсни тарбиялаш ва унга ижтимоий-психологик тасир этишни таминловчи социал психологик механизмларни такомиллаштиришни талаб қилади.


XXI-аср Фан ва техниканинг инқилобий ривожланиши асри бўлишига қарамасдан, бу даврда илм фан ҳамда кишилик жамияти олдида янги муаммоларнинг пайдо бўлиши, янги талаб ва эҳтиёжларнинг юзага келиши ҳам жадал суръатда содир бўлмоқда. Бозор муносабатларининг ривож, кишиларнинг меҳнатга, табиатга ва ҳаётга бўлган муносабатларининг ўзгариши, ривожланиши, иқтисодиётда эркин рақобат ҳамда кўплаб танловнинг мавжудлиги шахснинг фикрлашига ва янгилик яратисш эҳтиёжининг ортишига туртки бўлмоқда. Табиийки, меҳнат бозорида ҳам яратувчанлик ва ижодий қобилиятлар энг кўп кадрланмоқда. Чунки шахснинг ижодкорлиги ишлаб чиқаришда ҳамда кадрлар тайёрлашда самарадорликка эришишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. 2011 – йилда IBM (International Business Machines – Халқаро Бизнес Машиналар) корпаратсияси 60 мамлакат ва 30 дан ортиқ саноат индустрияларидан 1500 дан ортиқ директорлар, менежерлар ва таниқли лидерларда энг яхши лидерлик хислатини аниқлаш учун сўровнома ўтказган эди. Натижа эса креативлик (ижодкорлик)ни энг яхши лидерлик хислати сифатида кўрсатди[2,2-б]. Ушбу натижа креативликнинг аҳамияти қай даражада муҳимлигини англаиб, глобаллашаётган даврда жаҳон талабларига жавоб бера оладиган муносиб кадрлар тайёрлашда ҳам ушбу жиҳатга янада кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини эслатиб ўтмоқда.

Креативлик – инглизча creativeness–ижодкорлик деган маънони англатади. Шу ўринда, креативликка шахснинг маълум бир вазиятга ижодий муносабати, бирор бир муаммога одатдан ташқари, ҳеч кимникига ўхшамаган оригинал ечим топиши ва қарор қабул қилиш ҳамда янгилик яратишда ижодий ёндашуви жараёни деб таъриф берсак бўлади. Умуман олганда, шахс қачонки оригинал фикрлаганда ўзгаришлар қила олади. Янгича ғоялар юзага келтиради. Креативлик шу жараёнда намоён бўлади. Шундай экан, креативликка ижодий тафаккурнинг айнан маҳсули деб айтиш мумкин. Психолог олим М. Симпсон Шахснинг креатив қобилияти намоён бўлишида ижодий тафаккурнинг ўрни ҳақида тўхталиб, “Ижодий қобилият ташаббускорлик билан ажралиб туради, бу одам ўзининг одатий тафаккур кетма-кетлигидан бутунлай ўзгача (ижодий) тафаккурга айлана олиш қобилиятида намоён бўлади” деган эди [5,234-243-б].

Шахс ижод жараёнида, энг аввало, ўзи яратмоқчи бўлган ғояни ёки ихтирони тасавурида уйғотишга, ижодий ҳаёлида жонлантиришга ҳаракат қилади. Хотирасида мавжуд ўтмиш тажрибалари ва билимлари орқали мавжуд боғлиқликларни аниқлайди, тафаккури ёрдамида анализ ва синтез қилади ҳамда яратувчанлик содир бўлади. Ушбу жараёнга ижодий тафаккур ҳамда

ижодий хаёл ҳамкорликда ишлайди. Таниқли ўзбек психолог олими Э. Ғозиев ижодий тафаккур ва ижодий хаёл ҳамкорлиги ҳақида куйидаги фикрларни ёзиб қолдирган эди: “ Ижодий тафаккур ижодий хаёл билан узвий алоқада бўлади. Шунинг учун инсон амалий фаолиятида бир талай саволларга жавобларни хаёл ёрдами билан топади. Жумладан, ҳар хил тахминлар, фаразлар, илмий гипотезалар, кашфиётлар, техника соҳасидаги ихтиролар ҳам ана шу йўсинда амалга ошади, яъни, хаёл ёрдами билан зарур натижаларга эришилади”[7,400-б]. Демак, шахс ижодий тафаккур иштироки билан кундалик муаммоларга ечим топишдан тортиб катта ихтиро ва кашфиётларни ҳам амалга оширар экан. Бу эса ижодий тафаккур муаммосини, ижодий тафаккур қонуниятларини, уни шакллантириш ва ривожлантиришни психологик нуқтаи назардан илмий ўрганиш, тадқиқ этиш, назарий билимларни амалиётга янада кенгрок тадбиқ этиш зарур эканлигини англатади.

Ижодий тафаккур деганда, шахс билиш фаолиятининг мураккаб турларидан бирини тушунамиз. У муаммога ечим излаганимизда, қарор қабул қилганимизда ва ҳатто оддий кундалик юмушларимизни бажараётганимизда ҳам ижодий ёндашишимизни, эстетик завқ олишимизни, ҳаётимизга ранг-баранглик бахш этишимизни таъминлайди. Оддий байрам дастурхонини тайёрлаш жараёнидаги ўзбек аёлларининг ижодкорлигини фикримизга мисол қилишимиз мумкин. Лекин бу жараён фақат ижодий тафаккур ёрдамида амалга ошмайди. Бошқа психологик жараёнлар – диққат, сезги, идрок, хотира, хаёл ва тасаввур ҳам иштирок этади. Ижодий тафаккур эса энг сўнги босқич – яратувчанлик пайдо бўлишини таъминлайди. Янги фикрлар ва ғоялар пайдо бўлади. Таниқли клиник психолог, Др . Росиэ М. Спизлман янги ғоя пайдо бўлиш жараёнини куйидагича изоҳлайди:



Ушбу жадвалга биноан, олим фикрича, ташқи таъсир (ахборотлар ва таъсуротлар) ни сезгиларимиз орқали қабул қиламиз, эмоция ва хотиралар ёрдамида саралаймиз ва фикрлар ҳамда ғоялар пайдо бўлиши учун тафаккуримиз ишга тушъади [1,219-б]. Шахсининг янгилик яратиши ва ижодкорлиги худди шу ерда креатив тафаккурнинг маҳсули сифатида юзага келади.

Шахс ижодийлигини масалага турли хил ёндашувда, муаммога ечимлар топиш жараёнида ҳам яққол кузатиш мумкин. Шу нуқтаи назардан таниқли клиник психолог олим Др. Росиэ М. Спизлман Жой Паул Гуилфорд таклиф қилган назарияга асосланиб, креативликка шахс дивергент тафаккурида иштирок этувчи бир функсия деб таъриф берган эди [1,236-б]. Дивергент тафаккур эса, тафаккурининг шундай туридирки, у шахсга маълум бир ягона масала учун бир қанча мукамал ечимлар ишлаб чиқишига имкон беради. Жой Паул Гуилфорд 1967-йилда тафаккур ижодийлиги бўйича назариясида дивергент фикрлаш билан бир қаторда – конъвергент фикрлашга ҳам тўхталиб

ўтган эди. Олим конъюргент фикрлашга “маълум бир масалага ягона, оригинал ечим топишдир” деб таъриф берган [3]. Тушунишимиз мумкинки, кундалик фаолиятимизда юзага келувчи ҳар қандай масала ёки муаммо, муҳимлик ва мураккаблик даражасидан қатъий назар, бизни креатив тафаккуримизни ишга солишга ундайди. Натижада, тафаккуримизнинг ижодийлик хусусиятига кўра конъюргент ёки дивергент турларидан бирини танлашимиз мумкин.

Юқоридаги фикрлар ҳамда ҳозирги замон олимларининг ижодий тафаккурга оид замонавий қарашларидан келиб чиқиб, креатив тафаккурнинг таъсирини шахсининг қуйидаги фаолият турларида ўрганишни тавсия берамиз:

Масалага ечим топиш ёки муаммоли вазиятдан чиқиш;

Қарор қабул қилиш;

Янгилик яратиш

Муаммога ечим топиш жараёнида креатив тафаккурнинг таъсири ва ўрни жуда каттадир. Ушбу жараёни тилшунос олима Катжа Теъак 2015-йилда тўртта фазага бўлиш таклифини беради:

Муаммо ёки масалани аниқлаш;

Тайёргарлик (керакли маълумот ва ахборотларни тўплаш);

Жавоблар ёки ечимларни излаш ва яратиш;

Жавобларни тасдиқлаш ва куммуникация

[6,161-174-б]

Маълумки, бирор муаммога дуч келганимизда, энг аввало, муаммонинг турини, мукамаллик даражасини аниқлаб оламиз. Шу ерда тафаккур операциялари ишлайди. Дастлаб анализ орқали муаммо ҳақидаги ахборотни қисмларга, бўлақларга бўламиз ва таҳлил қиламиз. Хотирамизда сақланиб қолган ўтмишдаги ўхшаш муаммолар билан боғлиқликларни аниқлаймиз ва билим ҳамда тажрибаларимиз орқали биз бўлақларга бўлиб чиққан қисмларни саралаб, бирлаштирган ҳолда синтез қиламиз. Натижада, муаммо аниқланади. Кейинги, тайёргарлик босқичида эса муаммо ҳақидаги ўтмиш тажрибаларимизга мурожаат қиламиз. Чунки қачондир ўхшаш муаммога ёки айнан шу муаммога дуч келган бўлишимиз ва унга оид билим ва кўникмаларга аллақачон эга бўлишимиз мумкин. Ёхуд, шу муаммо бўйича билимларга эга бўлиш учун атрофдагиларга мурожаат қиламиз ва мулоқот жараёнида масала ечими юзасидан ахборотга эга бўламиз. Тўплаган ахборотларимиз билан мавжуд муаммо хусусиятларини таққослаймиз. Жавобларни топиш учун эса муаммо юзасидан тўплаган билимларимизни умумлаштирамиз ва таҳлил қиламиз. Энг сўнгида эса биз ўз ечимимизни синаб кўрамиз. Ушбу жараёнлардан ўтган оригинал ечимимиз бу бизнинг креатив тафаккуримиздан ҳосил бўлган ижодимиз самараси ҳисобланади.

Психолог олим Э. Ғозиев креатив тафаккурга таъриф бера туриб, муаммога ечим топишда унинг ўрни ҳақида қуйидаги фикрларни айтган эди: “ Даставвал саволлар туғилади, вазифа аниқланади, масалани ечиш ёки саволларга жавоб қидириш жараёни вужудга келади”[8,71-б].

Ижодий тафаккур шахсининг яна бир фаолияти – қарор қабул қилишига ҳам таъсир қилади. 2021-йилда Индонезиялик ёш олимлар худди шу масалани аниқлаш учун Авиатсия вазирлиги ҳарбий билим юрти ўқувчиларида тадқиқот ўтказадилар. Натижа эса ижодий тафаккурнинг қарор қабул қилишдаги таъсирининг аҳамиятли эканлигини исботлайди.[9,1-6-б].

Ижодий тафаккур қарор қабул қилишда қандай таъсирга эгаллигини билиш учун, энг аввало қарор қабул қилиш жараёнининг ўзини талқин этсак. Бизнинг фикримизча, қарор қабул қилиш жараёни маълум бир вазиятда бир нечта

танловлар мавжуд бўлганида ёки маълум бир вазифани бажаришга нисбатан иштиёқ уйғонганда содир бўлувчи, инсоннинг билиш фаолияти натижасида юзага келувчи онгли фаолиятидир. Қарор қабул қилишнинг учта – баҳо бериш (вазиятга), танлаш ва башорат каби босқичлари мавжуд. Ушбу босқичларда шахс танловчанлик ҳамда олдиндан кўра билиш қобилиятларидан фойдаланади. Шахс юқорида биз тўхталган тафаккур операциялари – анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш орқали вазиятга баҳо беради, танловларни таҳлил қилади, таққослаш орқали энг яхшилари саралайди. Ҳар бир танловнинг натижаси ҳақида тасаввур қилади. Ижодий тафаккур эса натижанинг қай даражада самарадор бўлишини таъминлайди.

Креатив тафаккур шахснинг ижод жараёни ва яратиш жараёнига ҳам қатта таъсирга ва аҳамиятга эгадир. Аввало, яратувчанлик жараёнида шахс, шунчаки, одатий фикрламайди. Балки, ушбу жараён инсонни одатдагиданда ўзгачароқ фикрлашга ундайди, натижада, боғлиқликлар топилади, сабаблар ўрганилади, тафаккур оператсиялари фаол ишлайди. “Креатив жараён бизни боғлиқликларни топишга, янги қийинчиликларга дуч келишга ва умумий бўлмаган, оригинал ҳамда янги қарорлар қабул қилишга ундайди” [4,3-6]. Демак ушбу фикрлардан шахснинг тафаккурида муайян босқичлар – анализ, синтез, таққослаш ва бошқа тафаккур оператсияларидан таҳлил қилинган, сараланган янгилик ёки кашфиёт ҳақидаги ғоя юзага келар экан деб тушунишимиз мумкин. Ҳатто қутилмаганда яратилган ихтиро ва кашфиётлар ҳамда назариялар ҳам шахснинг аввалги билим ва тажрибаларига асосланган ҳолда, боғлиқликларни аниқлаб, сўнг таҳлил қилинган, юзага келган деган хулосани чиқаришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув, фан ва техникада эришилган ютуқлар ва пайдо бўлаётган янги муаммолар, шахслараро муносабатларнинг мураккаблашуви креатив шахсни тарбиялашни тақозо этар экан, креатив тафаккурни янада кенгроқ ўрганиш фандаги муҳим масалалардан биридир. Чунки креатив тафаккур, юқорида тўхталганимиздек, шахснинг энг муҳим фаолият турлари: муаммога ечим топиш, қарор қабул қилиш ҳамда ижодий қобилиятларини юзага келтиришда етакчи роль о'йновчи психологик жараён ҳисобланади.

Қолаверса, глобаллашув феномени ижтимоий, сиёсий, маданий муҳитнинг шаклланишида илм-фан ютуқларининг тарқалиши, тур-ли қадриятларнинг умуминсоний негизида уйғунлашуви билан бирга мафкуравий таъсир воситаси сифатида девиатсия ҳолати, инсоният хавфсизлиги, келгуси авлодларнинг барқарор келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарга айланганлигини ҳам эътироф этиш мумкин. Шу жиҳатдан олганда ҳам, шахсда ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг психологик хусусиятларини тадқиқ қилиш зарурати илм-фан олдидаги муҳим масалалардан биридир.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Dr. Rosie M. Spielman. Psychology: OpenStax / Rice University, 2017. 219, 236 –р.

Dr. Irena Yashin Shaw. Thinking creatively key to twenty first century success: [www.drirenayashinshaw.com](http://www.drirenayashinshaw.com), 2- р .

Guilford, J.P. (1967). The nature of human intelligence: McGraw-Hill, New York.

Ola W. A. Gafour , Walid A. S. Gafour. Creative thinking skills: a review article / [www.researchgate.net](http://www.researchgate.net) , 2020. 3 –р.

Ray M. Simpson. Creative Imagination: The American Journal of Psychology /



University of Illinois Press Stable, Vol. 33, No 2 / 1922. 234, 243- p.

Težak. K. Creative thinking and decision-making processes in EFL creative writing. ELOPE: English Language Overseas Perspectives and Enquiries, 2015. 161,174 –p.

Ғозиев Э. Умумий Психология. Дарслик. “Asian Book House” / Тошкент, 400-б

Ғозиев Э. Тафаккур Психологияси: “ Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент .1990, 71-б.

Supari Muslima, Ahmad Hariria and others. The effect of creative thinking in improving decision making: Management Science Letters / www.GrowingScience.com/msl. Indonesia. 1,6-p.

## **ЭКОЛОГИК ОНГ ШАКЛЛАНИШИ ПСИХОЛОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА**

*Акрамов Мирмухсин Рустамович*

*ЎзХИА Дин психологияси ва педагогика кафедраси доценти в.б, психология фанлари доктори*

---

*Аннотация: Мазкур мақола экологик онг шаклланишини ўрганишининг психологик масалалари мавзусига бағишланган. Шунингдек, мақола матнида экологик онг феномени ва унинг ривожланиши, экологик маданият ва инсоний қадриятлар, экологик онг намоён бўлишининг психологик ўзига хосликлари, экологик онгнинг хусусиятлари, экологик тарбиянинг психологик жиҳатлари каби масалалар ҳам кенг ёритилган.*

*Калит сўзлар: Экологик онг, экологик тарбия, индивид, маданият, экомданият, атроф-муҳит, ўзаро таъсир, социогенез, экологик хабардорлик, табиий дунё, экологик маданият, одоб-ахлоқ, эҳтиёж, жамият, антропоцентризм.*

## **ФОРМИРОВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ КАК ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ ФЕНОМЕН**

*Акрамов Мирмухсин Рустамович*

*доцент и.о, кафедры психологии религии и педагогики Международной исламской академии Узбекистана, доктор психологических наук*

---

*Аннотация: Данная статья посвящена теме психологических проблем изучения формирования экологического сознания. Также в тексте статьи широко освещаются феномен экологического сознания и его развитие, экологическая культура и ценности человека, психологические особенности проявления экологического сознания, влияние экологического сознания, психологические аспекты экологического образования.*

*Ключевые слова: Экологическое сознание, экологическое образование, личность, культура, экоккультура, окружающая среда, взаимодействие, социогенез, экологическое сознание, мир природы, экологическая культура,*